

РАҚАМЛИ ИКТИСОДИЁТ ТИЗИМИ ИКТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНИШИННИГ ЭЛЕКТРОН МЕХАНИЗМИ

Суюнова Дилфузадилмурод қизи

Олий бизнес мактаби таянч доктаранти

Аннотация. Мақолада Рақамли корпоратив бошкарувни жорий этишининг илгор хориж ривожланган мамлакатлар тажрибасини тадқиқи, бу бўйича соҳа олимларининг қарашлари таҳлили, Ривожланаётган мамлакатларда ракамли иктисодиёт улуши бўйича таҳлиллар кенг маълумотлар орқали ёритилган.

Калит сўзлар: Рақамли корпоратив, «электрон ҳукумат», кузатув, абстрактмантикий фикрлаш, тизимли таҳлил, таққослаш, электрон механизм.

Annotation. The article is a study of the experience of advanced foreign developed countries of the introduction of the rakamli corporate framework, on which the views of Soha scientists are based, and on the share of rakamli ICT in developing countries, taxli are covered through extensive data.

Keywords: Digital corporate, "e-government", surveillance, abstract-logical thinking, systematic analysis, comparison, electronic mechanism.

Мамлакатимизда рақамли корпоратив бошкарувни жорий этиш иктисодиётни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида аҳамият қаратилиб, бу борада жумладан «электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Янги Ўзбекистон тараққиёти стратегияси Давлат дастурида «...электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш, электрон давлат хизматларининг улушкини амалдаги 54 фоиздан 100 фоизга етказиш ...» каби вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларнинг илмий таъминотини амалга оширишда, жумладан давлат хизматларини марказлаштирилган тартибда электрон шаклга ўтказишга оид услубий йўриқнома ҳамда кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, тизимни тартибга солишда жараён иштирокчиларининг ваколати ва мақомини эътиборга олган ҳолда вазифаларни рационал тақсимлаш ҳамда ягона идентификация ва ахборот хавфсизлиги кабиларни комплекс қамраб олган ҳолда электрон ҳукумат тизимининг тўлақонли функционал архитектурасини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079 сонли “«Рақамли Ўзбекистон—2030» стратегиясини тасдиқланди. 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699 сонли “Рақамли иктисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг

жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”²⁸ги, ва 2021 йил 17 февралдаги ПҚ-4996 сонли “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шартшароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари²⁹, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси Давлат дастурида³⁰ (2022-2026 йиллар) ҳамда ушбу соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация маълум даражада хизмат қиласди.

Рақамли корпоратив бошқарувни жорий этишнинг илфор хориж ривожланган мамлакатлар тажрибасини тадқиқ қилганимизда бу борада Ўзбекистон олимлари орасида етук олим Д. Суюновни алоҳида таъкидлаш мумкин. Олим томонидан Корпоратив бошқарувнинг стратегик жиҳатларива ижобий томонларини жорий қилишнинг назарий ва услубий асослари³¹, шунингдек, компаниялар бошқарувига рақамли технологияларни жорий этишнинг иқтисодий самарадорлиги³² рақамли технологияларнинг банклар фаолиятига таъсири³³ бўйича тадқиқотлар олиб борган.Шунингдек, мазкур йўналишда А.Қодиржанов,А.Кенжабав³⁴ларнинг ҳам тадқиқотларини келтиришимиз мумкин.

Ривожланаётган мамлакатларда ракамли иқтисодиёт улуши ҳар йили 15-25 фоизга ўсиб боришини таъкидлаш лозим³⁵, шунинг учун иқтисодий тизимларни ракамлаштириш жараёнларига мослаштириш бўйича мақбул чораларни излаш имлй тадқикотларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

“Рақамли иқтисодиёт” атамасининг замонавий тушунчаси 1995 йилда америкалик олим Н. Негропонте³⁶ тадқикотлари туфайли имлй муомалага кирди, у биринчи навбатда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ривожланиши билан боғланди. Ушбу нуктаи назар АКТнинг жамият иқтисодий ҳаётини ракамлаштиришга таъсирининг умумий тушунчасини акс эттиради ва технологик омилни ўрганилаётган ҳодисанинг кўринишини белгилайдиган асосий ҳал килувчи омил сифатида тавсифлайди.

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 05.10.2020 йилдаги ПФ-6079-сон “Raқамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул килинди.

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги ПҚ-4996-сон [карори](#)

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон [Фармони](#)

³¹ Suyunov D.X.: Theoretical principles of improving the modern corporate control system in joint stock companies. International journal of economic perspectives, 16, 11, 90-97, 2022.

³² Суюнов Дилмурод Холмуродович: Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив назорат тизимини жорий этишни такомиллаштиришнинг имлй-назарий асослари. Boshqaruv va etika qoidalari onlayn ilmiy jurnali, 3, 2, 433-441, 2023.

³³ Д.Х Суюнов. Давлат иштирокидаги акциядорлик жамиятларида илфор хорижий тажриба асосида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш. Uzbek Scholar Journal 26, 39-44.2024

³⁴ Суюнов Д., Рўзиев А., Кенжабаев А.: Электрон тижорат. “BROK CLASS SERVIS” МЧЖ босмахонасида чоп қилинган. Дарслик. 2023 йил. 356 бет.

³⁵ Бухт Р., Хикс Р. Определение, концепция и измерение цифровой экономики // Вестник международных организаций. 2018, Т. 13. № 2. С. 143-172.

³⁶ Negroponte N. Being Digital. N. Y.: Knopf, 1995. P.243.

Ракамли технологияларни ривожлантириш кўлами ва уларни жамиятнинг иктисодий ҳаётига татбик этиш тўғрисида McKinsey Глобал институти олимлари ҳам ракамлаштиришга олиб келадиган ўзгаришларнинг туб моҳияти ва аҳамиятига ишора киладилар³⁷. Саноат инкилоби 4.0 томонидан вужудга келган ҳодисаларнинг моҳиятини тушуниш, гарчи у энг умумлаштирилган хусусиятга эга бўлса-да, ижтимоий-иктисодий ва бошка соҳаларда содир бўлаётган ўзгаришлар кўлами хусусиятини белгилашга имкон беради. Жамият тараккиёти иктисодий тизимларнинг нафакат макроиктиносидий ва микроиктиносидий даражада, балки глобал микёсда ривожланиш жараёнини белгилаб берди.

Ушбу ҳолат аксарият жаҳон кучларининг иктисодий сиёсати доирасида амалга оширилган турли стратегик давлат дастурларини яратишга асос бўлди. Куйидаги дастурларни мисол сифатида келтириш мумкин: Ракамли Иктисодиёт (АКШ), Интернет Иктисодиёт (Хитой), Индустре 4.0 (Германия), Ракамли Иктисодиёт (Россия)³⁸ ва бошкалар.

Ракамли иктисодиёт атамасини ўрганишга ягона ёндошув мавжуд эмас.

Ракамли иктисодиётни куйи тизим, тизимли иктисодиётнинг ишлаши ва ривожланишининг электрон механизми сифатида кўриб чикиш мумкин³⁹, шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларига асосланган такрор ишлаб чиқариш жараёни доирасида иктисодий муносабатларни акс эттирувчи моделни ифодалайди. Ракамли иктисодиётни куйи тизим сифатида намойиш этишнинг юкоридаги концепциясини тўлдириб, таҳлил килинган бизнеснинг модели доирасида ишлайдиган компаниялар томонидан намойиш этиладиган иктисодиётнинг бир кисмини кўриб чикканн Р.Бух ва Р.Хикснинг⁴⁰ ракамли маҳсулотлар ёки хизматларга асосланган фикрларини келтириш максадга мувофиқдир. Бундан ташкири, бундай товарларни ишлаб чиқариш жараёнининг ўзи ракамли технологиялар билан боғлик. Ушбу ёндашувда ракамлаштириш жараёнларини таҳлил килиш ва уларнинг бошкарувнинг микроиктиносидий даражасига таъсири хакида гап кетади.

Хулоса ўрнида таъкидлашимиз жоизки ушбу таъриф ўрганилаётган ҳодисани тизимли равишда идрок этишини билдиради, аммо жамият тараккиёти жараёнида пайдо бўладиган ва ўзгариб турадиган муносабатларнинг бутун мажмуасини умумий маънода белгилаш ва тақдим этиш максадга мувофиқрок бўларди.

³⁷ Boden M., Cagnin C., Carabias V., Haegeman K. Facing the future: time for the EU to meet global challenges // European Commission Joint Research Centre Institute for Prospective Technological Studies European Union, 2010. P. 44.

³⁸ Ўша жойда

³⁹ Косолапова М. В., Свободин В. А. Методологические вопросы системно-цифровой экономики: взаимосвязь системной и цифровой экономик // Мягкие измерения и вычисления. 2019. № 6. С.13-19.

⁴⁰ Бухт Р., Хикс Р. Определение, концепция и измерение цифровой экономики // Вестник международных организаций. 2018, Т. 13. № 2. С. 143-172.

REFERENCES:

1. Suyunova D.D. Corporate in joint stock companies ways to use digital technologies to improve management. European Journal of Research Development and Sustainability (EJRDS), Available Online at: <https://www.scholarzest.com> Vol. 4 No 09. September 2023 ISSN:2660-5570.
2. Суюнова Д.Д. Корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини оширишда рақамли технологиялардан фойдаланиш масаласига илмий қараашлар. Иқтисодий тарққиёт ва таҳлил илмий электрон журнали, 2024 йил 31 июль. <https://eitt.uz/index.php/eitt/article/view/1472/1379>.
3. Суюнова Д.Д. Рақамли технологиялардан фойдаланиш асосида корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини ошириш масаласига илмий ёндашув. (Рақамли иқтисодиёт шароитида бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари, халқаро илмий-амалий конференция, 2022 йил 23 декабрь.)
4. Суюнова Д.Д. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни жорий қилишнинг рақамли трансформациясини амалга оширишга илмий-назарий ёндашув. (Рақамли иқтисодиёт шароитида бизнес ва тадбирворликни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари, халқаро илмий-амалий конференция, 2022 йил 23 декабрь).
5. Суюнова Д.Д. Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг жорий қилиниши ва ривожланиш ҳолатининг таҳлили. (Бизнес ва иқтисодиётда рақамли трансформация, Халқаро илмий-амалий конференция, 2023 йил 21 июнь).
6. Суюнова Д.Д. Корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини таъминлашда автоматлаштирилган ахборот бошқарув тизимидан фойдаланиш йўллари. (Бизнес ва иқтисодиётда рақамли трансформация, Халқаро илмий-амалий конференция, 2023 йил 21 июнь).
7. Суюнова Д.Д. Корпоратив бошқарувни такомиллаштиришда рақамли технологиялардан фойдаланиш. (Бизнес ва иқтисодиётда рақамли трансформация, Халқаро илмий-амалий конференция, 2024 йил январь).